ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

# ҚОНУНИ

СССР Олий Советининг қонун чиқариш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот бўйича комитети ҳамда СССР Олий Советининг ошкоралик, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва мурожаатлари масалалари бўйича комитети томонидан киритилган, СССР Олий Советининг халқаро ишлар бўйича комитети ҳам қатнашган

# МАТБУОТ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда.** Матбуот эркинлиги

СССР Конституциясида гражданлар учун гарантиялаб қўйилган сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги фикрни бемалол ифода қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни олиш ҳамда матбуот ва бошқа хил оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишда уларнинг тенг ҳуқуқлилиги билан таъминланади.

Матбуот ва бошқа хил оммавий ахборот воситалари эркиндирлар. Оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди.

**2-модда.** Оммавий ахборот воситалари

Мазкур қонунда оммавий ахборот деганда газеталар, журналлар, китоб маҳсулоти, теле ва радиопрограммалар, киноҳужжатчилик орқали ҳамда бошқа шаклларда оммавий тарзда тарқатиш учун мўлжалланган босма ва эшитиладиган-кўриладиган ахборот тушунилади.

Оммавий-ахборот воситалари вақтли матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари, шунингдек ахборот агентликлари ҳамда оммавий ахборот тарқатиш билан шуғулланувчи бошқа хил муассасалар томонидан тақдим этилади.

**3-модда.** Оммавий ахборот воситаларининг тили

Оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини қайси халққа хизмат қилаётган ёки қайси халқнинг манфаатини кўзлаётган бўлса, ўша халқ тилидан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Оммавий ахборот воситалари бошқа тилларда ҳам оммавий ахборот тарқатиш ҳуқуқига эга. Миллий озчилик ва регионал маданиятларга мансуб шахслар учун уларнинг она тилида оммавий ахборот тарқатиш ва олиш ҳуқуқи гарантияланади.

**4-модда.** Ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

Оммавий ахборот воситаси юридик шахс ҳисобланади, ахборот. тўплаш, уни қайта ишлаш ва тарқатиш бўйича ўз фаолиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда зиммасига мажбуриятлар олади.

Оммавий ахборот воситаси иқтисодий мустақиллик ва хўжалик ҳисоби шароитида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Оммавий ахборот воситаларига давлат дотацияларини бериш тартиби ССР Иттифоқи ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб қўйилади.

**5-модда.** Матбуот эркинлигини суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги

Оммавий ахборот воситаларидан давлат сири ёки қонун билан махсус қўриқланадиган бошқа сир ҳисобланадиган маълумотларни ошкор қилиш, мавжуд давлат ва ижтимоий тузумни зўравонлик билан ағдариш ёки ўзгартиришга даъват этиш, урушни, ирқий, миллий, диний алоҳидалик ёки муросасизликни тарғиб қилиш, порнографияни тарқатиш, жиноий жиҳатдан жазоланадиган бошқа хил хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ҳомийлик кўрсатишда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

## II боб. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**6-модда.** Таъсис этиш ҳуқуқи

Оммавий-ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, диний, кооператив ва гражданларнинг қонунга мувофиқ тарзда тузилган бошқа хил бирлашмалари, шунингдек меҳнат коллективлари ва СССР гражданлари эгадирлар.

**6-модда биринчи қисмининг СССР халқ депутатлари групnаси тақдим этган талқини:**

**Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, ижодий уюшмалар, диний, кооператив бирлашмалар ҳамда СССР гражданларининг бошқа хил бирлашмалари эгадирлар.**

Мамлакат, республика, алоҳида регион миқёсларида бирон-бир турдаги оммавий ахборот воситасини (матбуот, радио, телевидение ва бошқаларни) қарам қилиб олишга йўл қўйилмайди.

**7-модда.** Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш

Оммавий ахборот воситаси рўйхатга олингандан кейингина ўз фаолиятини амалга оширади.

Кўзда тутилаётган ўқувчи ёки тингловчилар сонига боғлиқ ҳолда рўйхатга олиш ҳақидаги ариза ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ноширлик фаолияти, телевидение ва радиоэшиттириш масалалари билан шуғулланувчи тегишли давлат бошқарув органларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига тақдим этилади ҳамда ариза тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши зарур.

Иттифоқдош (автоном) республикаларда, ўлкалар, областларда таъсис этиладиган китоб нашриётларини рўйхатга олиш иттифоқдош (автоном) республикаларнинг китоб матбаачилиги масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Рўйхатга олиш ҳақидаги аризада қуйидагилар кўрсатилади:

1) оммавий ахборот воситасининг кўзда тутилаётган ўқувчиси ёки тингловчиси сони;

2) таъсисчи;

3) ношир (нашриёт, телевидение ва радиостанция);

4) оммавий ахборот воситасининг номи ва жойлашган ўрни;

5) оммавий ахборот воситаси фаолиятининг программаси, унда мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топиши керак;

6) нашрнинг мўлжалланаётган даврийлиги ҳамда максимал даражадаги ҳажми, маблағ билан таъминлаш манбалари.

Рўйхатга олиш пайтида бошқа хил талаблар қўйиш ман этилади.

Оммавий ахборот чиқаришга эришиш ҳуқуқи гувоҳнома олинган кундан эътиборан бир йил мобайнида сақланади. Ана шу муддат ўтказиб юборилган тақдирда оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинмаган ҳисобланади, берилган гувоҳнома эса ўз кучини йўқотади.

Давлат ҳокимияти органлари — расмий норматив ва бошқа хил ҳужжатларни нашр этиш учун, министрликлар ва идоралар — норматив ҳужжатлар, судлов ва ҳакамлик амалиёти бюллетенларини нашр этиш учун, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар — ўз фаолиятлари учун зарур ҳисобланган адабиётлар ва ҳужжатларни нашр этиш учун рўйхатга олинмасдан ноширлик фаолияти юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Техник воситалар ёрдамида тайёрланадиган ҳамда оммавий равишда тарқатишга ёки қўлёзма ҳуқуқида кўпайтириладиган босма маҳсулот чиқариш фаолияти учун рўйхатга олиш талаб этилмайди. Бошқа ҳолатларда ноширлик фаолияти юритиш учун оммавий ахборот воситаларига кўзда тутилган тартибда рўйхатга олиш зарур ҳисобланади.

**8-модда.** Оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома берилишини рад этиш

Оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома беришни қуйидаги асослар бўлган тақдирдагина рад этиш мумкин:

1) агар ариза давлат бошқарувининг мазкур органида қараб чиқилмайдиган бўлса;

2) агар ариза ушбу қонуннинг 7-моддасида кўзда тутилган талабларга риоя қилинмаган ҳолда берилган бўлса;

3) агар ариза таъсисчи номидан бунга ваколатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

4) агар оммавий ахборот воситасининг номи ёки унинг программаси ушбу қонуннинг 5-моддаси қоидаларига зид келса;

5) агар мазкур орган илгари ана шундай номда ҳамда шунча ўқувчи ёки тингловчига мўлжалланган оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома берган бўлса;

6) агар ариза суд оммавий ахборот воситасини тўхтатиш ёки ман этиш ҳақида қарор чиқарган кундан эътиборан бир йил ўтмасдан берилган бўлса.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш ҳақида гувоҳнома берилиши рад этилганлиги ҳақида аризачига ёзма равишда маълум қилинади, унда мазкур қонунда рад этиш учун кўзда тутилган асослар кўрсатилади.

**9-модда.** Рўйхатга олиш йиғими

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳномани бериш учун рўйхатга олиш йиғими ундирилади. Йиғим ҳажмлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун чиқарувчи органлари томонидан тасдиқланади.

**10-модда.** Оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиб қўйиш

Оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиб қўйиш, яъни вақтли босма нашрнинг бир ёки бир нечта сонини чиқаришни ман этиш ёхуд эшиттиришда танаффус қилишга кўрсатма бериш мазкур қонуннинг 5-моддаси бузилган ҳолда ахборот тарқатилгани ёки расмий хабарларни тарқатиш қоидалари бузилганлиги муносабати билан уч суткадан кечикмай амалга оширилади. Тўхтатиб қўйиш оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш ҳақидаги гувоҳномани берган орган қарори билан бир ойгача муддатга амалга оширилади.

Таъсисчи ёки ношир (нашриёт) қарорига биноан таъсисчи билан келишилган ҳолда оммавий ахборот воситаси фаолиятида бир йилдан ошмаган муддатга танаффус эълон қилиниши мумкин.

**11-модда.** Оммавий ахборот воситаси фаолиятини тақиқлаш

Оммавий ахборот воситаси фаолияти фақат қуйидаги асослар бўлган тақдирдагина тақиқланиши мумкин:

1) таъсисчининг ношир (нашриёт) билан келишилган ҳолда қабул қилган қарори;

2) ушбу қонуннинг 5-моддаси бузилганлиги ёки ушбу қонуннинг бошқа қоидалари мунтазам равишда бузилганлиги муносабати билан суд қарори бўлса, шу сабабга кўра рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома берган орган томонидан йил мобайнида таъсис этувчи ёки ношир огоҳлантирилган бўлса (фаолиятни тўхтатиб қўйиш огоҳлантириш ҳисобланмайди).

Оммавий ахборот воситаси бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида фаолият юритмай қўйган бўлса, у ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади. Оммавий ахборот воситасининг фаолиятини тиклаш учун рўйхатга олиш ҳақида янги гувоҳномага эга бўлиш талаб этилади.

**12-модда.** Шикоят қилиш тартиби

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш ҳақида гувоҳнома берилишининг рад этилиши, шунингдек унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки ман қилишга доир қарор юзасидан редакция, таъсисчи ёки ношир (нашриёт) билан келишган ҳолда судга шикоят қилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш ҳақида гувоҳнома берилишини рад этиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёхуд ман этиш ҳақидаги қарор СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларига ҳамда ушбу қонунга зид бўлганлиги тан олинган шикоят қилинган қарорлар бекор бўлади ҳамда бундай қарорларни қабул қилган орган таъсис этувчи, ношир (нашриёт) ва редакция кўрган ҳамма зарарни, шунингдек, олинмай қолган даромадларни ҳам тўлайди.

**13-модда.** Таъсисчи ва оммавий ахборот воситаси

Таъсис этувчи оммавий ахборот воситасининг фаолият программасини тасдиқлайди, у редакция томонидан тўла касб-кор мустақиллиги асосида амалга оширилади. Таъсис этувчи билан оммавий ахборот воситаси ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби редакция уставида белгилаб қўйилади.

**14-модда.** Редакция устави

Редакция устави редакция журналистлар коллективининг умумий йиғилишида мавжуд составнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади ҳамда таъсис этувчи томонидан тасдиқланади.

**15-модда.** Таъсисчи ва ношир (нашриёт)

Таъсис этувчи ноширлик қилиши мумкин, бунда нашриёт ёки оммавий ахборот воситаси фаолиятини моддий-техникавий ва молиявий таъминлашга кафолат берадиган бошқа юридик шахсга тенглашади.

Агар оммавий ахборот воситасини таъсис этувчи ношир (нашриёт) бўлмаса, у ҳолда муносабатлар шартнома ва ушбу қонун билан изга солиб турилади.

**16-модда.** Редакция ва ношир (нашриёт)

Редакция ва ношир (нашриёт) ўртасидаги ишлаб чиқариш ҳамда молия муносабатлари шартномалар асосига қурилади.

Шартномада қуйидагилар белгилаб қўйилади:

редакцияни сақлаб туриш учун маблағ;

оммавий ахборот воситаси фаолиятидан келадиган даромад (фойда)нинг редакция ихтиёрига ўтказиладиган ҳамда меҳнат коллективи хоҳишига қараб фойдаланиладиган қисми;

ношир (нашриёт)нинг ишлаб чиқариш ва редакция ходимлари тегишлича турмуш кечиришлари ҳамда меҳнат қилишлари учун ижтимоий-маиший шароитни таъминлаш юзасидан мажбуриятлари;

бошқа хил шартлар.

**17-модда.** Муҳаррир ва таҳрир ҳайъати

Редакцияга таъсисчи томонидан тайинланадиган ёки редакция уставида белгиланган тартибда сайлаб қўйиладиган муҳаррир (бош муҳаррир) раҳбарлик қилади.

Муҳаррир (бош муҳаррир) таъсисчи, ношир (нашриёт)нинг давлат органлари, жамоат ташкилотлари, гражданларнинг бошқа хил уюшмалари ҳамда гражданлар билан муносабатларида, шунингдек судда оммавий ахборот воситасининг вакили ҳисобланади.

Муҳаррир (бош муҳаррир) тарқатилаётган оммавий ахборотнинг ушбу қонун талабларига мувофиқ бўлиши учун жавоб беради.

Таҳрир ҳайъатини тузиш тартиби ва унинг ваколатлари редакция уставида белгилаб қўйилади. Таҳрир ҳайъати раиси муҳаррир (бош муҳаррир) ҳисобланади.

Муҳаррир (бош муҳаррир) билан таҳрир ҳайъати кўпчилик аъзолари ўртасида келишмовчилик пайдо бўлган тақдирда низо таъсис этувчи томонидан ҳал қилинади.

**18-модда.** Чиқиш маълумотлари

Босма нашрнинг ҳар бир чиқишида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

1) нашрнинг номи;

2) таъсисчининг номи;

3) чиқарилган соннинг тартиб номери ҳамда вақтли нашрлар учун унинг чиқарилган санаси;

4) нархи (нашр сотиш йўли билан тарқатиладиган бўлса);

5) редакция ва ношир (нашриёт)нинг адреси.

Ҳаво тўлқинларига ҳар гал чиқилганда, муттасил эшиттириш олиб борилганда эса бир кеча-кундуз мобайнида камида тўрт маротаба телевидение ва радиоэшиттириш редакцияси қуйидаги маълумотларни эълон қилиши шарт:

1) телевидение ва радиоэшиттириш редакциясининг номи;

2) эшиттиришни олиб борувчининг фамилияси ва исми.

**19-модда.** Мажбурий нусхалар.

Тираж дастлабки босилиши билан бепул мажбурий нусхалар Бутуниттифоқ китоб палатасига, В. И. Ленин номли СССР давлат кутубхонасига, таъсисчига, шунингдек, мазкур босма нашр рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома берган органга, унинг кўрсатмаси бўйича бошқа органлар ва ташкилотларга юборилади.

**20-модда.** Эшиттиришларни қайд этиш

Телевидение, радиоэшиттириш редакцияси қуйидагиларни бажариши шарт:

микрофон материалларини ҳаво тўлқинларига чиқарилганидан кейин бир йил мобайнида сақлаб туриш;

олдиндан ёзиб олинмасдан ҳаво тўлқинларига чиқарилган эшиттиришларни рўйхат қилиш дафтарини тутиш, унда эшиттириш берилган сана, бошланган ва тугаган вақти, мавзуи, эшиттиришни олиб борган кишининг фамилияси ва исми ёзиб қўйилади. «Тўғридан-тўғри ҳаво тўлқинларига чиқарилган» эшиттиришларни рўйхат қилиш дафтари ундаги сўнгги ёзув киритилган кундан эътиборан бир йил мобайнида сақлаб турилади.

**21-модда.** Бошқа хил оммавий ахборот воситалари

Ушбу қонунда телевидение ва радиоэшиттириш учун белгилаб қўйилган қоидалар оммавий ахборот воситаларининг кўриладиган-эшитиладиган бошқа хил турлари, жумладан агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, телекоммуникация тармоқлари учун ҳам қўлланилади.

Ушбу қонунда вақтли босма нашрлар учун белгилаб қўйилган қоидалар маҳсулоти матн ёки тасвир сифатида минг ва ундан ортиқ нусхада кўпайтириладиган бошқа хил оммавий ахборот воситаларига ҳам қўлланилади.

## III боб. ОММАВИЙ АХБОРОТНИ ТАРҚАТИШ

**22-модда.** Оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш тартиби

Ушбу қонунда белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олинган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти бевосита ношир томонидан ёҳуд шартнома ёки бошқа хил қонуний асосларда алоқа корхоналари, бошқа ташкилотлар, шунингдек гражданлар ва гражданларнинг уюшмалари томонидан тарқатилади.

**23-модда.** Нашрни босишга рухсат этиш

Оммавий ахборот воситаси маҳсулотининг ҳар бир алоҳида чиқарилиши (ўзининг . чиқиш маълумотлари билан биргаликда) тарқалишига муҳаррир (бош муҳаррир) босишга рухсат берганидан кейингина йўл қўйилади.

**24-модда.** Тираж

Босма нашрнинг тиражи, ҳажми ва даврийлиги муҳаррир (бош муҳаррир) томонидан ношир (нашриёт) билан келишган ҳолда белгиланади.

Тираж мажбурий нусхалар сонидан кам бўлиши мумкин эмас.

Суднинг қонуний кучга кирган қароридан бўлакча тарзда тиражни йўқ қилиб ташлашга йўл қўйилмайди. Бунда мажбурий нусхалар сақлаб қолинади.

**25-модда.** Расмий ахборотлар

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ тарзда оммавий ахборот воситалари орқали умумхалқ эътибори учун эълон қилиниши шарт ҳисобланган расмий ахборотлари тегишли органлар таъсис этган оммавий ахборот воситалари томонидан халққа етказилади.

Оммавий ахборот воситаси суд ёки давлат ҳакамлиги (арбитражи) органининг қонуний кучга кирган қарорини, унда мазкур қарор айнан шу оммавий ахборот воситасида эълон қилиш ҳақида ёзиб қўйилган бўлса, бепул ва кўрсатилган муддатда босиб чиқаришга мажбурдир.

## IV боб. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАШКИЛОТЛАР ВА ГРАЖДАНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

**26-модда.** Ахборот олиш ҳуқуқи

Гражданлар оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг фаолияти тўғрисида оператив равишда ишончли ва холис маълумотлар олиш ва бошқа ижтимоий аҳамиятли ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий ахборот воситалари бундай ахборотни давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслардан олиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар оммавий ахборот воситаларига мавжуд маълумотларни ва ҳужжатлардан нусха олиш имконини беришга мажбур.

**27-модда.** Ахборот беришдан бош тортиш ва ахборот беришни кейинга суриш

Ижтимоий аҳамиятли ахборот беришдан фақат агар бу ахборот давлат сири ёки қонун бўйича махсус сақланадиган сир бўлсагина бош тортиш мумкин. Оммавий ахборот воситаси вакилининг ёзма талабига ёзма шаклда уч кун муддатда рад жавоби топширилади. Рад жавобида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ахборот беришдан бош тортган орган ёки ташкилотнинг мансабдор шахси;

2) бош тортилган куни;

3) сўралаётган маълумотларнинг давлат сири ёки қонун бўйича махсус сақланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлардан ажратиб бўлмаслигини тасдиқловчи сабаблар.

Сўралаётган маълумотлар уч кунлик муддатда тўплаб бўлинмаса, ахборот беришни кечиктиришга йўл қўйиш мумкин. Бунда ахборот қайси муддатгача берилиши мумкинлиги куни кўрсатилади. Ахборотни кечиктириш тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаси вакилига уч кунлик муддатда ёзма равишда топширилади.

**28-модда.** Ахборот беришдан бош тортиш ва кечиктириш устидан шикоят қилиш

Ижтимоий аҳамиятли ахборотни беришдан бош тортиш ва кейинга суриш, худди ушбу қонун 28-моддасининг бошқа талабларига риоя қилинмаганидек юқори органга ёки юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

**29-модда.** Муаллифлик материаллари ва хатлардан фойдаланиш

Оммавий ахборот воситаларининг журналистика, адабиёт, санъат ва илмий асарлардан фойдаланишга муаллифлик ҳуқуқини ҳисобга олиб интеллектуал мулк ҳуқуқига риоя қилинган тақдирда йўл қўйилади. Ўқувчиларнинг хатларини эълон қилишда уларнинг матнини хатнинг мазмунини бузмаган ҳолда қисқартириш ва таҳрир қилишга йўл қўйилади.

Редакция босиб чиқаришдан қайтарган материални оммавий ахборот воситасига агар бошқа ҳол қонунда назарда тутилмаган бўлса, мажбур этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Мазкур оммавий ахборот воситасининг чиқишига аксадо тариқасидаги хатларга, шунингдек, муаллифлар жавоб берилиши мажбур деб кўрсатмаган бошқа хатлар ҳамда мурожаатларга редакция жавоб бермасликка ҳақли.

**30-модда.** Раддия

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга раддия бериш тўғрисидаги талаб улар босилиб чиққандан кейин бир йил ичида уларни тарқатган оммавий ахборот воситасига қўйилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситаси кўрсатилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келишини исботловчи далилларга эга бўлмаса, раддия эълон қилишга мажбур.

**31-модда.** Раддия беришдан бош тортиш

Раддия беришдан қуйидаги ҳолларда бош тортилади:

1) агар талаб қилинаётган раддия ушбу қонун 5-моддасида назарда тутилган матбуот эркинлигини суиистеъмол қилишдан иборат бўлса;

2) агар раддия суд қарори (ҳукми) билан қонуний кучга кирган аниқланган далилларни шубҳа остига қўйса;

3) агар раддия талаб қилинган хат имзосиз бўлса;

4) ушбу қонун 41-моддаси асосида оммавий ахборот воситаси жавобгар бўлмайдиган маълумотлар эълон қилинганлиги учун рад этилса.

Агар раддия мазкур оммавий ахборот воситасида рад қилинган маълумотларга тегишли бўлса, раддия беришдан бош тортиш мумкин. Оммавий ахборот воситаси манфаатдор гражданга, ташкилотга раддия беришдан бош тортиш тўғрисида ёзма равишда рад этиш сабабларини баён қилиб, раддия тўғрисида сўраб талаб тушган кунидан бир ой кечикмай маълум қилиши керак. Раддиядан бош тортганлик учун судга шикоят қилиниши мумкин.

**32-модда.** Ахборотни ошкор қилмасликнинг алоҳида ҳоллари

Оммавий ахборот воситаси қуйидагиларга ҳақли эмас:

1) номини айтмаслик шарти билан маълумот берган шахснинг номини айтишга;

2) прокурор, терговчи ёки текшириш олиб бораётган шахснинг ёзма рухсатисиз дастлабки тарздаги текшириш маълумотларини ошкор қилишга;

3) суд жараёнларини ёритаётганда айбсизлик презумпциясини бузувчи ёки суд қарорини олдиндан маълум қилувчи материалларни босиб чиқаришга;

4) қонун билан махсус сақланаётган сирни, агар қонунда мазкур маълумотларга дахлдор шахслар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бу шахсларнинг рухсати билан уларни оммалаштириш имконияти қонунда назарда тутилмаган бўлса, ана шу маълумотларни ошкор қилишга.

Гражданнинг рухсатисиз, унинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборот, агар бу ахборот ижтимоий аҳамиятли бўлмаса, уни ошкор қилишга йўл қўйилмайди. Агар суд мазкур ахборотни ижтимоий аҳамиятли деб тан олмаган тақдирда маънавий (номулкий) зарар ушбу қонунга мувофиқ ундирилади.

## V боб. ЖУРНАЛИСТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

**33-модда.** Журналист

Ушбу қонунда журналист деганда оммавий ахборот воситалари учун материалларни таҳрир қилиш, ёзиш, тўплаш ёки тайёрлаш билан шуғулланувчи, оммавий ахборот воситаси билан меҳнат ёки бошқа шартнома муносабатлари орқали боғланган ёхуд оммавий ахборот воситаси учун ва унинг ваколати билан шундай фаолият билан шуғулланувчи шахс тушунилади.

**34-модда.** Журналист ҳуқуқлари

Журналист қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) ахборот излаш, олиш ва тарқатиш;

2) ўз илтимосига кўра ва ўзининг профессионал журналистик вазифаларини бажариш муносабати билан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниш;

3) журналист гувоҳномасини кўрсатиб, табиий офатлар бўлган жойларда, митингларда, йиғилишларда, намойишларда қатнашиш;

4) тушган материаллар муносабати билан мутахассисларни ва жамоатчи фаолларни жалб қилиш орқали далиллар ва ҳолатларни текшириш;

5) оммавий тарқатишга мўлжалланган материалларда ўз шахсий фикрлари ва баҳоларини баён қилиш;

6) ўз эътиқодига тўғри келмайдиган материални тайёрлашни рад этиш;

7) тайёрлаган материалига розилигисиз ўзгартишлар, қисқартишлар ва қўшимчалар киритиш мумкин эмаслигини олдиндан айтиб қўйиш;

8) материалнинг мазмуни, ўз фикрича, таҳрир жараёнида бузилганда материал остидан имзосини олиш ёхуд худди шу оммавий ахборот воситасида тегишли луқма босиб чиқариш;

9) ўз тахаллуси сирини ошкор қилишга йўл қўймасликни айтиб қўйиш;

10) ўзига ушбу қонунда берилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Журналистнинг қонуний профессионал фаолиятига давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан тўсқинлик қилиш, худди шунингдек муайян ахборотни тарқатишга ёки тарқатишдан бош тортишга мажбур этиш қонун билан жазоланади.

**35-модда.** Аккредитация (вакил қилиб тайинлаш)

Оммавий ахборот воситалари давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан келишиб, уларда ўз журналистларини вакил қилиб тайинлашлари мумкин.

Журналистни вакил қилиб тайинлаган органлар ва ташкилотлар уни мажлислар, кенгашлар ва ўтказилаётган бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қилишлари, уни стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлашлари шарт.

**36-модда.** Ёзиб олиш ҳуқуқи

Журналист ўз профессионал вазифаларини бажараётганда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ёзувлар қилишга, шу жумладан кўриладиган-эшитиладиган техника воситалари билан кинога олиш, суратга тушириш, ҳар қандай ёзувлар қилишга ҳақли.

**37-модда.** Журналист бурчлари

Журналист:

1) ўзи меҳнат муносабатларида бўлган оммавий ахборот воситасининг фаолият программасини амалга оширишга;

2) ўзи хабар қилаётган ахборотнинг тўғрилигини текширишга;

3) ахборот берган шахснинг, агар бу ахборот биринчи марта маълум қилинаётган бўлса, кўчирма келтирилаётган фикрларини муаллифлаштириш тўғрисидаги илтимосларини қондиришга;

4) тарқатилаётган ахборот давлат сири ёки қонун билан махсус сақланаётган бошқа сирни қай даражада ошкор қилиши мумкинлиги тўғрисида муҳаррирни (бош муҳаррир) хабардор қилишга;

5) муҳаррир (бош муҳаррир) ёки редакция унга топширган топшириқ ёхуд унинг бажарилиши қонунни бузиш билан боғланган бўлса, ундан бош тортишга;

6) гражданлар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиши ҳамда ушбу қонундан келиб чиқувчи бошқа вазифаларни бажаришга бурчлидир.

## VI боб. ОММАВИЙ АХБОРОТ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**38-модда.** Халқаро шартномалар ва битимлар

Оммавий ахборот соҳасида халқаро ҳамкорлик ССР Иттифоқи, иттифоқдош республикалар, оммавий ахборот воситалари, журналистларнинг профессионал ташкилотлари, бошқа ижодий уюшмалар тузган халқаро шартномалар ва битимлар асосида амалга оширилади.

Агар СССР имзолаган ва кучга киритган халқаро шартномаларга ушбу қонундагидан бошқача нормалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома нормалари қўлланилади.

**39-модда.** Чет эл оммавий ахборот воситалари вакилларининг, хорижий давлатларнинг СССРдаги дипломатик ва бошқа вакилликларининг фаолияти.

СССРда вакил қилиб тайинланган чет эллик мухбирлар ва оммавий ахборот воситалари бошқа вакилларининг ҳуқуқий аҳволи ва профессионал фаолияти, шунингдек СССРдаги хорижий давлатлар дипломатик ва бошқа расмий вакилликларининг ахборот фаолияти ушбу қонун асосида ва СССРнинг тегишли халқаро шартномалари ва битимлари асосида СССР Министрлар Совети томонидан тартибга солиб турилади.

## VII боб. МАТБУОТ ВА БОШҚА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**40-модда.** Жавобгар қилиш

Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун таъсисчи, ношир, редакция, оммавий ахборот воситасининг муҳаррири (бош муҳаррири), тарқатилган хабарлар муаллифлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг мансабдор шахслари жавобгар бўладилар.

Ушбу қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган матбуот эркинлигини суиистеъмол қилиш суд қарори бўйича, оммавий ахборот воситаси маҳсулотини мусодара этиш ёки тиражини йўқ қилишга, шунингдек ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларига мувофиқ маъмурий, жиноий ёҳуд бошқа жавобгарликка олиб келади.

Белгиланган тартибда қайд этилмаган оммавий ахборот воситалари маҳсулотини таҳрир қилувчи, тайёрловчи ва тарқатувчи шахслар матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгардирлар.

**41-модда.** Жавобгарликдан озод қилиш

Оммавий ахборот воситалари, худди шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳолларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганликлари учун жавобгар бўлмайдилар:

1) агар бу маълумотлар расмий хабарларда бўлса;

2) агар улар телеграф ёки ахборот агентликларидан олинган бўлса;

3) агар улар очиқ айтилган сўзларни айнан такрорланиши бўлса;

**42-модда.** Оммавий ахборот воситалари фаолиятига аралашишга йўл қўймаслик

Давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан материаллар ва маълумотларни дастлабки тарзда келишиб олиш (мансабдор шахс муаллиф ёки мусоҳабачи бўлган ҳоллардан ташқари пайтда), худди шунингдек материалларни ва маълумотларни ёки уларнинг айрим қисмларини эълон қилишни ман этиш талаби оммавий ахборот воситасида материал олиб қолинганлиги тўғрисида, тарқатилаётган материалларда олиб қолиш ёхуд қўшимчалар борлиги, шунингдек аралашган шахснинг исм-шарифи ва лавозимини эълон қилишга олиб келади.

**СССР халқ депутатлари групnаси таклиф қилган талқин. — 42-модда қуйидаги норма билан тўлдирилсин:**

**«Бу қоида ушбу қонун билан белгиланган таъсисчи, ношир ва оммавий ахборот воситаси редакцияси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибига таааллуқли эмас».**

**43-модда.** Маънавий зарарни қоплаш

Оммавий ахборот воситасининг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлиги натижасида гражданнинг шаъни ва обрўси тўкилиши ёхуд гражданга келтирган бошқа номулкий зарарни оммавий ахборот воситаси қоплайди, шунингдек зарар суд қарори билан мансабдор шахслар ва муаллифлар томонидан қопланади. Маънавий (номулкий) зарарни қай даражада қоплашни суд белгилайди, бироқ ҳар бир алоҳида ҳолда унинг миқдори 50 минг сўмдан ортмаслиги керак.

